

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1405-ҳадис

1405 - وَعَنْ أَيِّ سَعِيدٍ الْخَدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَنْ يَشْبَعَ مُؤْمِنٌ مِنْ حَيْرٍ حَتَّىٰ يَكُونَ مُنْتَهَاهُ الْجَنَّةَ». رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ، وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [2686].

1405. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўмин киши ниҳояси жаннат бўлмагунича яхшилик (илм) эшитишдан тўймайди», дедилар».

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис, дедилар.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг ушбу ҳадиси шарифларида мўмин киши умрининг охиригача яхшилик - илм талаб қилиб бориши зуурлигини, ана шунда жаннатга доҳил бўлишини таъкидламоқдалар. Исломдаги бешикдан қабргача илм талаб қилиш зарурлигига ишора бу ҳадисда ўзига хос услугуб билан айтилмоқда. Мўмин киши доимо илм талаб қилиши, ўзи, дини, биродарлари, эли-юрти учун фойдали бўлган нарсаларни ўрганиб юриши лозим.

Бу қоидага ҳаммамиз тўлиқ амал қилсак, улкан баҳту саодатга эришган бўламиз.

Манба: hadis.islom.uz



